

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

"NAVOIY EIZ DIREKSIYASI" AJ  
акциядорларининг йиллик умумий  
йиғилишининг 2019 йил 07 октябрдаги  
1-сонли қарори билан

**«Навоий» эркин иқтисодий зонаси  
Дирекцияси» акциядорлик жамиятининг**

**«КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА» ГИ  
НИЗОМИ**

Навоий - 2019 йил

## **МУНДАРИЖА**

- 1. Умумий қоидалар**
- 2. Кузатув кенгашининг ваколатлари**
- 3. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва муддатидан илгари ваколатини тугатиш**
- 4. Кузатув кенгашининг раиси**
- 5. Кузатув кенгашининг мажлислари**
- 6. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**
- 7. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги**
- 8. Кузатув кенгаши аъзоларига бериладиган рағбатлантириш тўлови миқдорини белгилаш тартиби**
- 9. Якуний қисм**

### **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур Низом «Навоий эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» акциядорлик жамияти (матн бўйича «жамият») кузатув кенгашининг мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини сайлаш, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчилик ва жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

1.3. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш кузатув кенгаши раиси томонидан кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун тақдирлаш пули миқдори жамиятнинг фаолият самарадорлигига қараб акциядорларнинг умумий йиғилиш қарорига асосан белгиланади.

1.4. Мазкур низом АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ги ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1996 йил 26 апрель кундаги 223-1-сонли ҚОНУНИ ва “Навоий ЭИЗ” АЖнинг уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

### **2. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

2.1. Жамият кузатув кенгаши ваколат доирасига қуйидагилар киради:

2.1.1. жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган

чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2.1.2. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

2.1.3. акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

2.1.4. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

2.1.5. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

2.1.6. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

2.1.7. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

2.1.8. жамият бош директорининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш;

2.1.9. корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

2.1.10. жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

2.1.11. ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

2.1.12. жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

2.1.13. аудиторлик текширувини, шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотларини ва уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

2.1.14. жамиятнинг тафтиш комиссиясига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

2.1.15. дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

2.1.16. жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

2.1.17. жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

2.1.18. жамиятнинг шўба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

2.1.19. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 8-бобига мувофиқ баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш. Қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди. Йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин;

2.1.20. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 9-бобига мувофиқ жамиятнинг аффилланган шахси билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.21. жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

2.1.22. жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.23. жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

2.1.24. қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

2.1.25. қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

2.1.26. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

2.1.27. жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.28. қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.29. жамият бош директори лавозимига номзодларни, шу жумладан чет эллик менежерларни, танлаш регламентини тасдиқлаш ва шу билан жамият бош директори лавозимига танлов эълон қилишни ташкиллаштириш;

2.1.30. жамиятнинг ижроий органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек рағбатлантириш тўлови чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 – сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;

2.1.31. ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;

2.1.32. кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

2.1.32. жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун танлов асосида мустақил ташкилотни жалб қилиш;

2.2. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиш учун Кузатув кенгаши қуйидагиларни амалга оширади:

жамият бош директори, ички назорат органлари, жамиятда ташкил этилган коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштириш

ва зарурат бўлганда, жамият ривожланиш режасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этиш;

ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш, жорий этиш ва мунтазам баҳоланиши бўйича ишларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини, шунингдек йиллик молиявий ҳисоботларни Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш бўйича амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириш;

корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларининг жорий этилишини назорат қилиш.

2.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонун ҳужжатлари ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

2.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг бош директорига ўтказилиши мумкин эмас.

### **3. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ВА МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ВАКОЛАТИНИ ТУГАТИШ**

3.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари қонунчиликда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

3.2. Жамият кузатув кенгашининг сон таркиби 7 кишидан иборат. Шу билан биргаликда жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) мустақил аъзо ёки аъзолар киритилади.

3.3. Кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) мустақил аъзо ёки аъзолар киритилади. Шу билан биргаликда мустақил аъзолар бўйича номзодлар кўрсатиш акциядорлар томонидан уларнинг розилиги билан амалга оширилади. Мустақил аъзолар бўйича номзодлар кўрсатилмаган ҳолда жамият Кодекснинг ушбу тавсиясига амал қилинмаганлиги сабабини ошкор этади.

3.4. Кузатув кенгаши мустақил аъзоларига қўйиладиган талаблар Корпоратив бошқарув Кодекси билан белгиланган.

3.5. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

3.6. Жамият бош директори жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

3.7. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.8. Кузатув кенгашига сайланган шахснинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядор ўзгарганда, ўз ваколатларини бажаришда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганда, ўз ҳоҳишига кўра шундай ариза берилганда ва бошқа ҳолларда акциядорлар умумий йиғилиши қарорига кўра амалга оширилади.

3.9. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар жамият уставига ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

3.10. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.11. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

3.12. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

#### **4. КУЗАТУВ КЕНГАШИНING РАИСИ**

4.1. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

4.2. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

4.3. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

4.4. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

#### **5. КУЗАТУВ КЕНГАШИНING МАЖЛИСЛАРИ**

5.1. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, Бошқарув аъзосининг, ички аудит хизмати бошлиғи талабига кўра, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эгаллик

қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида чақирилади.

Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чорақда камида бир марта чақирилади.

5.2. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

5.3. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият бош директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

5.4. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар қонунчиликда ва жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаш аъзоларининг овози тенг бўлган ҳолларда ҳал қилувчи овозга эга.

5.5. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига ёки учинчи шахсга беришига йўл қўйилмайди.

5.6. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгашининг мажлис баённомаси котиб томонидан юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

5.7. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

5.8. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан

имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

5.9. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг бош директорига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг бош директорига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

5.10. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Мажлисда кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

## **6. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

- кузатув кенгаши қарорига кўра муайян давр учун акциядорлик жамиятининг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисидаги маълумотлар олиш;

- қонунчиликда ва жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда кузатув кенгашида ишлаганлиги учун, тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиш.

6.2. Кузатув кенгаши аъзоси:

- жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали жамиятни хабардор этиши;

- ўзининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек жамияти манфаатлари йўлида у энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдир.

6.3. Кузатув кенгаши аъзолари жамият имкониятларидан (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар,

жамиятининг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотлар) шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

## **7. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

7.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда қонун ҳужжатларида ва жамият уставида белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

7.2. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидagi жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

7.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

7.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан кузатув кенгашининг аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

## **VIII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА БЕРИЛАДИГАН РАҒБАТЛАНТИРИШ ТўЛОВИ МИҚДОРИНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ**

8.1. Кузатув кенгаши аъзоларига, жамият ҳисобот йили Бизнес-режасида режалаштирилган соф фойдадан юқори соф фойда олинган ва ҳисобот йили якунида истеъмолчиларга тарқатилган электр энергияси учун дебитор қарздорлик ҳисобот йили бошига нисбатан камайтирилган ҳолларда, жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш ва молиявий хўжалик фаолияти натижалари бўйича рағбатлантириш тўловлари амалга оширилади.

8.2. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини ва молиявий хўжалик фаолияти натижаларини мустақил баҳолаш хар йили (йил якуни бўйича) ўтказилади.

8.3. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш, кузатув кенгаши раиси ва аъзоларига тўланадиган рағбатлантириш тўловини белгилаш учун, асос бўлиб хизмат қилади.

8.4. Мустақил ташкилот билан тузилган шартномага асосан кузатув кенгашининг фаолияти натижаси қониқарсиз, паст, қониқарли ва юқори деб баҳоланиши мумкин.

8.5. Рағбатлантириш тўлови миқдори (1 нафар кузатув кенгаши аъзосига бир йил учун) қуйидаги тартибда белгиланади:

агар қониқарсиз деб баҳоланганда – рағбатлантириш тўлови ҳисобланмайди ва тўланмайди;

агар паст деб баҳоланганда – ЭКИҲ 30 баробари миқдорида рағбатлантириш тўлови ҳисобланади ва тўланади;

агар қониқарли деб баҳоланганда – ЭКИҲ 35 баробари миқдорида рағбатлантириш тўлови ҳисобланади ва тўланади;

агар юқори деб баҳоланганда – ЭКИҲ 40 баробари миқдорида рағбатлантириш тўлови ҳисобланади ва тўланади;

Кузатув кенгаши раисига тўланадиган рағбатлантириш тўловига, кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофот миқдоридан, 1.2 баробар оширилган коэффицент қўлланилиши мумкин.

8.6. Юқорида кўрсатиб ўтилган кузатув кенгаши аъзоларига ва раисига тўланадиган рағбатлантириш тўлови миқдорлари “Ўзбекэнерго” АЖнинг соф фойда тақсимооти бўйича таклифига асосан ўзгартирилиши мумкин.

## **IX. ЯКУНИЙ ҚИСМ**

9.1. Жамиятнинг Корпоратив муносабатлар бўлими ёки қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси ёки корпоратив маслахатчиси кузатув кенгаши аъзоларини зарурий маълумотлар билан таъминлаш, шунингдек акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро алоқалар учун масъул ҳисобланади.

9.2. Ушбу Низомнинг баъзи бандлари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликга ёки Жамият Уставига зид бўлса, мазкур бандлари ўз кучини йўқотади ҳамда мазкур Низомга ўзгартиришлар киритилмагунга қадар, ушбу бандлар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ёки Жамият Устави бандлари асосида ҳал қилинади.